



## **О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI HOKIMINING QARORI**

**Namangan sh. Istiqlol ko‘chasi 57.**

2021 - yil 15 - oktabr

312-6-0-Q/21

Namangan viloyati hokimligi

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарори ижроси тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарорини вилоятда ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг якка тартибдаги хонадонида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 13 июлдаги ПФ-6260-сон Фармонида мувофиқ “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилалар фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларга янги турмуш қураётганида ўз хонадонидида қўшимча уй-жой қуриш учун 33 миллион сўмгача гаровсиз кредит ажратиш белгиланганлиги;

қуйидагиларни назарда тутувчи “Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га киритилган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га киритилган янги турмуш қурган ёшларнинг яқка тартибдаги хонадонидида қўшимча уй-жой қуриш учун гаровсиз кредит ажратиш тартиби:

“Темир дафтар” ва “Аёллар дафтари”га кирган оилаларнинг фарзандлари ҳамда “Ёшлар дафтари”га кирган ёшларнинг янги турмуш қураётганда (кейинги ўринда - ёшларнинг алоҳида тоифаси) ажратиладиган кредит манбаларини шакллантириш тартиби;

кредитни ёшларнинг алоҳида тоифаларига гаровсиз асосда ажратиш тартиби;

ёшларнинг алоҳида тоифасига нисбатан белгиланадиган, жумладан, 18 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, янги (иккала томон учун биринчи маротаба) турмуш қурган, илгари арзон уй-жой қуриш дастурлари доирасида имтиёзли ипотека кредити олмаган бўлиши ва бошқа мувофиқлик мезонлари;

ёшларнинг алоҳида тоифасига ажратилган кредитлар мониторингини олиб бориш ва улани қайтариш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқланганлиги эътиборга олинсин.

3. Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Ғ.Воҳидов), тижорат банклари манфаатдор бошқарма ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 октябрдаги 637-сон қарори, ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларидан келиб чиқиб иш ташкил этсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Т.Юсупов ва вилоят ҳокимининг ўринбосари Ш.Мусаев зиммаларига юклансин.

Viloyat hokimi



Sh.Abdurazakov